

# Истеъмол кайфияти шарҳи

2022 йил II чорак

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Тошкент 2022 йил

## Истеъмол кайфияти шарҳи

Марказий банк томонидан жорий йил июль ойида турли соҳа вакилларининг **2022 йилнинг II чораги якунлари** бўйича истеъмол кайфиятини ўрганиш бўйича навбатдаги онлайн сўровлари ўтказилди ва бунда **3 мингдан** кўпроқ респондентлар қатнашди.


Ушбу шарҳда сўровда иштирок этган респондентларнинг даромадлари ва истеъмол харажатлари таркиби, пул-маблағларини жамғаришга бўлган мойиллиги, келгусидаги сарф-харажатлари ҳамда кредитга бўлган эҳтиёжлари таҳлили келтирилган.

Бундан кўзланган мақсад, аҳолининг турли қатламлари келгусида истеъмол кайфияти ва талабини шаклланиши ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни, шу билан бирга, иқтисодиётда талаб томондан инфляцион босимларнинг юзага келиш эҳтимолларини ўрганишдан иборат.

### 1. Истеъмол кайфияти индекси

Жорий йилнинг II чорагида **Истеъмол кайфияти индекси<sup>1</sup> (ИКИ)** I чоракка нисбатан **1,7 бандга** кўтарилиди ва **26,1** ташкил этди (2021 йилнинг мос даврига нисбатан ҳам **0,1 бандга ошган**).

1-расм. Истеъмол кайфияти индекси



Натижалар индекснинг барча компонентларида ўтган чоракка нисбатан ўсиш кузатилганини кўрсатди.

Жорий йилнинг I чорагида мавсумийликдан ташқари ташқи вазиятда юзага келган ноаниқликлар ва миллий валюта курсидаги

<sup>1</sup> Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмол кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

тебранишлар индекснинг пасайишига сабаб бўлган бўлса, II чорақда юқоридаги омилларнинг таъсирини камайиши, пул ўтказмалари ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки баробарга ортгани ва сўм алмашув курсининг мустаҳкамланиши, бюджет томонидан аҳолининг айрим қатламларига ажратилган бир марталик тўловлар ҳамда июнь ойидан ойлик иш ҳақи миқдорларининг оширилиши аҳолининг даромад ва жамғариш кайфиятининг **ижобий** шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўз навбатида, глобал инфляция таъсири ва жорий йил II чорақда истеъмол нархларининг нисбатан баландроқ ўсиши харажат индексида ҳам ўз аксини топди.

Келгусида кредит олишни режалаштирганлар ҳиссаси аввалги чоракка нисбатан кўпайган. Бу мавсумий ялпи талабнинг ошиши билан ифодаланиши мумкин.


Айни пайтда, респондентларнинг истеъмолга мойиллиги юқори даражада сақланиб қолинган шароитда жамғариш субиндексининг ортиши умумий индексни **пасайтирувчи хусусиятга** эга бўлди.

### **Даромад субиндекси**

#### **Респондентларнинг келгуси даврдаги даромадлари кўпайиши бўйича кутилмалари сезиларли ошди**


Аҳоли вакилларининг келгуси даромадлари ошиши бўйича кутилмалари 2020 йил IV чорақдан бери энг юқори даражада шаклланди ва **9,4** га teng бўлди (1-расм).

**2-расм. Респондентларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари**




Бунда, келгусида **5-7 млн.** ва **7-10 млн.** даромадлilar гуруҳи бошқаларга нисбатан **даромади кўпайишини** кўпроқ кутаётган бўлса, даромадлари ўзгармасдан қолишини кутаётганлар улуши аксинча ўтган чоракка нисбатан бироз қисқарган (2-расм). Аҳолининг даромад кесими таркибида уй хўжалигига **5-7 млн.сўм** ва **7-10 млн.сўм** ва ундан юқори даромад олувчиларнинг улуши ўтган чоракларга нисбатан ошиб борган.

### 3-расм. Респондентларнинг ўртача ойлик даромадлари (бир оила учун)




Келгуси 12 ой ҳамда яқин 3 йилликда мамлакатимиз иқтисодиёти истиқболлари бўйича оптимистик жавоблар улуши кўпайиб мос равишда **53 ва 73 фоизни ташкил этди.**

### 4-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



### 5-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



## Кредит субиндекси

**Келгуси 12 ойда респондентларнинг янги кредитга бўлган талаби қаришиб ўзгаришсиз қолди**

Аввалги икки чорақда ушбу индекс пасайган бўлса, жорий йилнинг иккинчи чорагида бироз ўсиш трендига ўтиб, унинг таркибида ўзгариш кузатилди.


Хусусан, I чорақда асосан кредитга талаб истеъмол учун юзага келган бўлса, II чорақда юқори даромадли қатламнинг асосан тадбиркорлик учун кредитга талабида намоён бўлди.

Кредит субиндекси 2022 йилнинг I чорагига нисбатан **0,1 бандга** кўпайиб, **8,7** ташкил этди. Ушбу жараён кўпроқ мавсумга хос бўлган иқтисодий фаоллик, шунингдек, тўй ва маросимлар ҳамда саёҳатга борувчилар сонининг ортиши билан изоҳланиши мумкин.

Сўровда қатнашган жами респондентларнинг **66 фоизи** келгуси ойларда янги кредит олишга эҳтиёжлари мавжудлигини билдиришган (I чоракда 65 фоизга тенг).

2022 йилнинг I чораги натижаларига кўра, келгусида кредит олишни режалаштирганлар асосан, **2-3 млн.сўм ва 3-5 млн.сўм** атрофида даромад оловчилар орасида кузатилган бўлса, II чоракда кредит олишга бўлган иштиёқнинг ортиши кўпроқ юқори даромад (**5 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача**) вакиллари синфида кузатилди (6-расм).

#### 6-расм. Даромадлар бўйича кредитга бўлган талабнинг шаклланиши



2022 йилнинг II чорагида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **42 фоизга** (ипотека 85 фоизга, автокредит 10 фоизга ва микроқарзлар 44 фоизга ўсган) ошган.

#### 7-расм. Келгусида кредит ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши

Келгусида режалаштирилган харидлар таркиби													
	уй-жой таъмири	саёҳат	таълим	даволаниш	оиласвай байрам	тўй	уй-жой хариди	автомобиль	маший техника	телефон	мебеллар	бошқа	
Келгусида янги кредитга талаб ўзгариши	ошади	20%	4%	14%	10%	4%	7%	7%	9%	6%	5%	8%	5%
	бироз ошади	18%	4%	12%	8%	4%	7%	5%	7%	6%	5%	9%	4%
	ўзгаришсиз қолади	14%	3%	11%	7%	4%	5%	3%	6%	4%	3%	7%	5%
	бироз камаяди	2%	0%	1%	1%	0%	1%	0%	1%	1%	1%	1%	1%
	камаяди	2%	0%	1%	1%	1%	1%	1%	1%	0%	1%	1%	0%
	кредитга эҳтиёж йўқ	13%	5%	13%	9%	3%	6%	3%	6%	4%	5%	8%	6%

Иштирокчиларнинг 40 фоизга яқини келгусида кредит олишга талаби ортиши ва асосан уни **уй-жой, таълим, даволаниш, автомобиль, тўй маросими** ҳамда мебел ва маший техникага сарфлашларини таъкидлашмоқда.


## Харажат субиндекси

### Иштирокчилар келгуси ойларда кўпроқ харажат қилишиларини маълум қилишди


Респондентларнинг келгуси даврда харажатлари ўсиши бўйича оптимистик кутилмалари шаклана бошлади. Харажатлар кўпайишини белгилаган иштирокчиларнинг улуши ортиб, харажат субиндекси ўтган чоракка нисбатан **1,1 бандга яхшиланди ва 13,7 га тенг бўлди** (8-расм).

8-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар

2022 йил I чорак



2022 йил II чорак



Жорий йилнинг II чорагида сўров қатнашчиларнинг кўпчилик қисми асосан, **уй-жой таъмири, даволаниш, таълим** ҳамда **маиший буюмлар** хариди учун харажат қилганликларини таъкидлашган.

Апрель-июн ойларида мавсумий қурилиш ишларининг кўпайиши ушбу сегментда талабнинг жонланганини кўрсатса, бошқа томондан, етказиб бериш ва логистикадаги муаммолар қурилиш моллари, дори-дармонлар ҳамда майший буюмларнинг нархлари қимматлашишига ва истеъмолчиларнинг харажатлари ошишига сабаб бўлди.

Шунингдек, **тўй тадбирлари, уй-жой, автомобиль, электрон буюмлар** хариди ҳамда саёҳат қилишни таъкидлаган респондентлар ўтган чоракка нисбатан кўпайган.

Бугунги кунда халқаро туризмнинг жонлана бошлагани, шу билан бирга, уй-хўжаликларининг аввалги мавсумдан тежалган (*саёҳат қилиш имконияти бўлмаганлиги боис*) ва етарли даражада шаклланган жамғармалари кўпчиликнинг саёҳат қилиш имкониятларини кенгайтиromoқда.

Шу ўринда, мебель ва майший техника ҳамда тўй маросимларга ялпи талабнинг ўсиши мавсумийлик, таълим соҳасига харажатларнинг

юқорилиги эса аҳолининг таълим олишга кўпроқ маблағ сарфлаётгани билан изоҳланади.



Келгуси ойларда қурилиш моллари, уй-жой, автомобиль, миший техника, электрон буюмлар ва мебель сотиб олиш истагидагилар ва тўй тадбирларини режалаштирганлар кўпчиликни ташкил этгани боис ушбу товарлар нархларига талаб томондан инфляцион босимларни ошириши мумкин.

### Жамғариш субиндекси

#### Респондентларнинг жамғариш кайфияти бирмунча яхшиланиб бормоқда


Жамғариш субиндекси ўтган чоракка нисбатан **1,3 бандга** ошиб, **5,6 га** тенг бўлди.

Келгусида жамғармалари кўпайиши бўйича ижобий кутилмаларга эга респондентларнинг улуши **57 фоизни** ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган чоракка нисбатан **6 фоиз бандга** яхшиланди (2022 йилнинг 1 чораги якуни бўйича 51 фоизга тенг).

Хозирги ва келгуси давр учун жамғариш кайфиятининг яхшилангани, асосан, ўтган даврда ижобий фоиз ставкалари шакллангани билан изоҳлаш мумкин.

Иккинчи чорак давомида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари (инфляция даражасини инобатга олиб ҳисоблаганд) **7-9 фоизни**, инфляцион кутилмаларга нисбатан эса **3-5 фоизни** ташкил этди.

Шу ўринда, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигига аҳоли даромадлари номинал ҳисобда **22,5 фоизга**, реал ҳисобда эса **10,8 фоизга** ошган.



Апрель оидан бошлаб миллий валюта **сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадри мустаҳкамланиши аҳолининг бўш пул маблағларини миллий валютада жамғаришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.**

Жумладан, II чорақда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари **26,3 фоизга ёки 6,2 трлн сўмга** ошди.

Шунингдек, жамғарманинг етарлилик даражасида ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Жумладан, жамғармалари мавжуд эмаслигини таъкидлаган респондентлар улуши **43 фоизгача** қисқарди (ўтган чоракда **46 фоиз**).

Шу ўринда, жамғармаларининг узоқроқ муддатга етишини таъкидлаган респондентлар улуши **барча даромад гуруҳларида яхшиланганини кўриш мумкин.**

**12-расм. Респондентларнинг даромадлари ва жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари**

		Келгусида жамғармаси ўзгариши				
		кўпаяди	биroz кўпаяди	ўзгармайди	биroz камаяди	камаяди
Келгусида даромади ўзгариши	кўпаяди	57%	25%	11%	4%	4%
	биroz кўпаяди	13%	54%	22%	6%	5%
	ўзгармайди	6%	18%	56%	8%	12%
	биroz камаяди	8%	11%	23%	35%	23%
	камаяди	3%	9%	16%	13%	59%

Даромадлар ўзгариши билан жамғаришга мойиллик ўртасида боғлиқлик таҳлил қилинганда, даромадлари кўпайишини маълум қилган сўров иштирокчиларининг 70 фоизга (ўтган чоракда 68 фоиз) яқини

жамғармалари ортишини таъкидлашган бўлса, даромадлари камайиши билан жамғармалари камайишини қайд этган респондентлар улуши бирмунча кўпроқни яъни 80 фоизни (*ўтган чоракда 76 фоиз*) ташкил этди.